## ДАВЛАТ ҚАБУЛИГА ЎТИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

**Ҳар бир ишда янги тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда ўзаро ҳамжиҳатлик талаб қилинади. Ҳамжиҳатлик қарор топмаган ерда кўзда тутилган режалар рўёбга чиқмайди ёки пала-партиш адо этилади. Совет экономикаси бундай пала-партишликка сира тоқат қилолмайди. Бугунги кунда партия саноат маҳсулотларини қабул қилиб олишнинг янги тартибини жорий қилишга қаратилган тадбирлар комплексини рўёбга чиқаришга нисбатан талабчанликни оширмоқда.**

Сифат масаласи экономика тараққиётида ҳал қилувчи талабдир. Шу масала ҳал этилмаса, самарадорликка ва умуман ривожланишга путур етади. Ҳозир сифат ва самарадорлик масаласи ҳар қачонгидан ҳам қатъийроқ қилиб қўйилмоқда. Сифатни таъминлашга нисбатан талабчанлик ортиб боряпти. Сабаби маълум. Халқ хўжалигининг замонавий машина-ускуналарга ва аҳолининг мукаммал буюмларга нисбатан эҳтиёжи ортиб бормоқда. Вазифа — ана шу талабга тўла жавоб беришдан иборат.

# ҲАМЖИҲАТЛИК ЗАРУР

Халқ хўжалигига мукаммал машиналар ва ускуналар зарур. Уларнинг техникавий жиҳатдан тўкис бўлиши жуда муҳимдир. Экспорт талабини қондирадиган, жаҳон стандартлари ёки намуналари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтириб бориш партия XXVII съездида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилдики, бу маҳсулот сифатини мунтазам равишда яхшилаб боришни тақозо этади.

Сифат масаласи зарур иқтисодий масалагина эмас, балки айни вақтда муҳим социал ҳамда сиёсий масала ҳамдир. Кейинги вақтларда партия ва ҳукумат республикамиз саноат корхоналари маҳсулоти сифатини оширишга кўпроқ аҳамият бермоқдалар. Бунда зарур ғамхўрликлар кўрсатиляпти. Кадрларга нисбатан талабчанлик ҳам ортмоқда. Натижада қатор ишларни бажаришга муваффақ бўлинди. Йил сайин ўнлаб янги асбоб-ускуналар, машина ҳамда приборлар, юзлаб ҳар хил кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Тан олиш керакки, республика корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини тубдан яхшилашга ҳали эришилгани йўқ. Кўплаб машиналар, ускуналар, кенг истеъмол буюмларининг сифатидан кўнгил тўлмай турибди. Бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин. Пахтачилик машиналари долзарб дамлар талабига жавоб бермаяпти. Бунда машиналар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлашда сифатга эътиборсизлик ҳам талайгина қийинчиликлар туғдиряпти. Бугина эмас, пойабзал, мебель, озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-рўзғор буюмларининг бир қанча турлари ҳам харидорларда қаноат ҳосил қилмаяпти.

Баъзи бир таҳлилларга эътиборингизни жалб қилмоқчимиз. Кейинги ўн ойда республика Давлат стандартлари бошқармаси йўли билан корхоналарда ўтказилган текширишларда мингга яқин нуқсон аниқланди. Бундай аҳволнинг йўлини тўсиш мақсадида сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ёки реализация қилишни тақиқлаб қўйиш каби чоралар ҳам кўрилди. Бунинг устига 20 миллион сўмдан кўпроқ жарима солинганини ҳам таъкидлаб ўтиш керак.

Текширишлар шуни кўрсатадики, айрим корхоналарда сифат масалалари билан жиддий шуғулланилмаяпти. Бундай жойларда нима қилиб бўлса ҳам план бажариш билан овора бўлиб қолмоқдалар. Тўғри, планлар ҳам бажарилиши зарур. Бироқ сифатсиз маҳсулот тайёрлаб план бажаришдан кимга фойда? Корхона ёки бирлашмаларда юзлаб мутахассислар маҳсулотларнинг техникавий даражасини назорат қилиб бормоқдалар. Тўғрисини айтганда, техника назорати бўлимларининг ходимлари сусткашлик қилмоқдалар. Қатор корхоналардаги техника назорати бўлимлари мутахассислари маҳсулот сифатига нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборганлар. Баъзан кўриб-кўрмасликка олиш кайфиятлари сезилмоқда. Бундай жойларда брак маҳсулотлар тайёрлашга йўл очиб берилмоқда.

Кўпгина корхоналарда техника назорати бўлимларининг ходимлари шу корхонага раҳбарлик қилаётганларнинг маънавий ва моддий таъсирлари остига тушиб қолганлар. Партия бундай йўлни қораламоқда. Шу сабаб кейинги вақтларда муассасаларaро назорат қилишга ўтиш масаласи қатъий қилиб қўйилди. Давлат стандартлари бошқармаларига қарашли махсус давлат қабул органлари ташкил қилинди ва улар мамлакатимизнинг 1500 дан ортиқ корхонасида 1987 йилнинг 1 январидан бошлаб кенг кўламда фаолият кўрсата бошлайдилар.

Партия ва ҳукуматимиз 1986—1987 йиллар мобайнида бирлашма ва корхоналарда ишчилар, инженер-техник ходимларни ўқитиш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Бундан мақсад тайёрлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга нисбатан кадрлар масъулиятини оширишдир. Ялпи ўқитиш, цехлар ва участкаларда сифат группаларини ташкил этиш, бригада усулининг имкониятларидан мукаммалроқ фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қилинмоқда. Бунда рағбатлантириш омиллари ҳам назарда тутилмоқда.

Давлат қабули органлари республикамиздаги 33 та бирлашма ва корхонада 1987 йил 1 январдан бошлаб амалий ишга киришади. Улар маҳсулотни давлат йўли билан қабул қилиб олишни жорий қиладилар. «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида эса давлат қабули шу йилнинг 1 июлидан жорий қилинди. Шундай қилиб, республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тракторлар, прицеплар, сеялкалар, культиваторлар, химиявий ускуналар, электротехника, электрон техника воситалари, кабель маҳсулотлари, минерал ўғитлар, рангли металл маҳсулотлари, баъзи бир мебель ва тайёр кийим-кечаклар эндиликда давлат йўли билан қабул қилиб олинади. Ҳозирги кунда республикамизда давлат қабули органларини тузиш ва уларни кадрлар билан таъминлаш ишлари қизғин бошлаб юборилди. Тошкент компрессор, «Узбекрезинотехника», «Миконд», электротехника заводлари, Чирчиқдаги трансформатор, Тошкентдаги «Подъёмник» заводларида 50—90 процентдан ортиқ ташкилий ишлар амалга оширилиб бўлди.

Бутуниттифоқ стандартлаш ва метеорология институтининг республика филиалида Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Узоқ Шарқ республикаларидан келган юздан ортиқ киши икки ҳафталик муддат ичида ўз малакасини оширди. Улар махсус программа асосида ўқиб-ўргандилар. Машғулотларни давлат стандартининг етакчи мутахассислари, масъул раҳбар ходимлари олиб бордилар. Шундай ишлар бажарилган бўлса-да, барча юмушлар кўнгилдагидек боряпти дейишга ҳали тўла асос йўқ. Айрим бирлашмалар, корхона ҳамда ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамон бу муҳим масаланинг моҳиятига тушуниб етганлари йўқ.

Назорат органларининг ўтказган текширувларидан маълум бўлишича, давлат қабулига ўтишда республикамиздаги бир қатор корхона ва ташкилотлар зарур комплекс программани тўлиқ ишлаб чиқмаганлар. «Узбектекстильмаш», Тошкент «Мебель» бирлашмалари, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Чирчиксельмаш», «Ташсельмаш» заводлари, Оҳангарон «Стройпластмасс» комбинати, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхоналар давлат қабулига ўтишни жадаллаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга масъулият билан ёндашишлари зарур. Корхоналарда давлат қабулини йўлга қўйишда зарур шарт-шароитлар яратиб берилишига ҳам алоҳида эътибор талаб қилинади. Керакли хоналар, зарур жиҳозлар билан таъминлашда кўп қийинчиликларга дуч келинмоқда. Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида, трансформатор заводида, Самарқанддаги холодильник ва «Красний двигатель» заводларида ана шундай аҳвол юз бермоқда.

Тармоқлар раҳбарлари олдида тиғиз вазифалар турибди. Республика Енгил саноат, Мебель ва ёғочсозлик саноати министрликлари давлат қабулига ўтаётган корхоналарга ёрдам кўрсатишда ўзибўларчиликка йўл қўймоқдалар. Давлат қабулини жорий этиш муддати қисқариб бормоқда. Қолган вақт мобайнида жуда кўп ишлар амалга оширилиши лозим. Лекин қилинадиган ишлар кўлами катта. КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда давлат қабулига ўтиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ҳақида тегишли зарур кўрсатмалар берилди. Жумладан, кенгашда ҳамма ишни халқ иштирокида қилиш кераклиги, жуда муҳим бу тадбир ўзибўларчилик, бақириб-чақиришлар билан битмайди, деб алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат маҳсулотнинг давлат қабули катта тадбирдир. Бинобарин, ҳозир тайёргарликка нисбатан қўйилаётган талаблар ҳам алоҳида талаблардир. Шу тариқа маҳсулот сифати хусусида кейинчалик бирон жойда узилиш бўлса министрлардан ҳам, корхоналарнинг раҳбарларидан ҳам, партия ташкилотларининг раҳбарларидан ҳам талаб қилишга ҳақли бўламиз.

Сифатни яхшилаш соҳасида барча йўналишларда қатъий чоралар кўришимиз лозим. Давлат қабули органларига ишбилармон, маҳсулот сифатини яхши таҳлил қила оладиган, малакали ходимларни жалб қилиш лозим.

Маҳсулот сифатини яхшилашда меҳнат коллективларининг ролини ошириш, инженер-техник ходимларнинг маҳоратига муносиб баҳо беришга эришиш талаб қилинади. Бунинг учун техника назорати бўлимлари ходимлари билан давлат қабул органлари узвий боғлиқ ҳолда иш олиб боришлари керак. Шундай қилиш партия XXVII съезди ишлаб чиққан стратегик йўлни амалга оширишни тезлаштиради, сифат ҳамда самарадорлик соҳасида кўрилаётган тадбирлар тегишли натижалар беришига эришилади.

**М. МИРСОАТОВ,**
**Ўзбекистон давлат стандартлари бошқармасининг бошлиғи.**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

## «БИЛЕТ БОР... САМОЛЁТ-ЧИ?»

Газетанинг 1986 йил 14 октябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада Термиз граждан авиацияси хизмати талаблар даражасида эмаслиги, меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганлиги ва бошқа камчиликлар кўрсатиб ўтилган эди.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИдан олинган расмий жавобда қуйидагилар хабар қилинади:**

**— Мақолада баён этилган фактлар текширишда тасдиқланди. Термиз шаҳар агентлигида, шунингдек Сариосиё аэропортида пассажирларга хизмат кўрсатиш қўпол равишда бузилаётганлиги, ходимлар иши устидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги аниқланди. Ана шулар натижасида жиддий камчиликларга йўл қўйилган.**

**Мақола гражданларни ташиш бўлими шахсий состави ва авиакорхона партия йиғилишларида муҳокама қилинди.**

**Камчиликларни бартараф этиш юзасидан Термиз авиакорхонаси командири буйруғи чиқарилди ва йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш бўйича тадбирлар плани тасдиқланди.**

**Термиз авиакорхонаси командири буйруғи билан камчиликларга йўл қўйганлиги учун Термиз шаҳар агентлигининг бронлар бўйича диспетчери С. Цой аэрофлот системасидан бўшатилди. Агентликнинг катта диспетчери Н. Юнга ҳайфсан берилди. Смена бошлиғи Ш. Қўчқоров граждан авиацияси системасидан бўшатилди. Кассир Д. Жумаевага ҳайфсан эълон қилинди. Кассир А. Эшхонова ва депутатлар хонаси навбатчиси И. Жўраева лавозимларидан четлатилдилар ва улар йўловчиларга хизмат кўрсатмайдиган ишга ўтказилдилар. Термиз аэропорти юкларни ташиш хизмати бошлиғи Г. Лелюхга назорат ва талабчанликни бўшаштириб юборганлиги учун ҳайфсан берилди. Бошқарма бошлиғи буйруғи билан Термиз авиакорхонаси командири Х. Дадабаев қаттиқ огоҳлантирилди.**

**Ҳозирги вақтда тадбирлар амалга оширилмоқда. Аэропортнинг ахборот-справка хизматини яхшилаш мақсадида справка бюроси навбатчиларининг штати тўлдирилди. Яқин келажакда оналар ва болалар ҳамда юкларни сақлаш хоналари очиш кўзда тутилмоқда.**

**«Билет бор... самолёт-чи!» сарлавҳали мақола юзасидан Сурхондарё область партия комитети ва Термиз авиаотрядидан ҳам расмий жавоблар олинди. Уларда йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш тадбирлари амалга оширилаётганлиги, камчиликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилганлиги хабар қилинади.**

# МЎЛ ҲОСИЛНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

**Кузги-қишки агротехника ва мелиоратив тадбирларни ўз вақтида юқори сифат билан бажариш — пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг асосий шарти. Агросаноат комплексининг мутахассислари илм-фан ютуқлари ва илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда ҳар бир хўжалик учун кузги-қишки ишлар комплексини ўтказишнинг келишилган графикларини ишлаб чиқмоқлари ва уларни мақбул муддатларда, меҳнат ва маблағларни иложи борича кам сарфлаган ҳолда бажарилишини таъминламоқлари даркор.**

## МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

**Ғўзапояни йиғиштириб олиш.** Мўл ҳосилга ерларни сифатли шудгорлаш билан асос солинади. Бу тадбирни қулай муддатларда ўтказиш учун ғўзапояни юлиб олиш, далаларга органик ва минерал ўғитлар солиш, ер ҳайдашни конвейер усулда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Вилт билан зарарланмаган майдонлардаги тупроқ таркибини органик ўғит билан бойитиш учун ғўзапояни хўжаликлардаги мавжуд КИР-1,5 КИ-1,8 агрегатлар ёки бошқа машиналар ёрдамида майдалаб, сўнгра шудгорлаш керак.

Вилт билан зарарланган ерларни шудгорлашдан олдин ғўзапояни албатта йиғиштириб олиш лозим. Бундай майдонларда ерлар ғўзапоя билан ҳайдаб юборилса, вилт билан зарарланган майдонлар кўпайиб кетади. Шунинг учун агрономлар, хўжаликларнинг мутахассислари вилт билан зарарланган майдонлардан ғўзапоя чиқариб ташланишини алоҳида назорат остига олмоқлари талаб этилади.

**Бегона ўтларга қарши кураш.** Бегона ўт ғўзанинг суви, озуқасини кўп даражада ўзлаштириб, ҳосилга жиддий хавф солади. Ҳосил йиғим-терими даврида агрегатларнинг унумли ишлашига имкон бермайди, пахтанинг ифлослик даражасини ошириб, сортини пасайтириб юборади. СоюзНИХИ олимлари олиб борган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўртача ўт босган пахта далаларида 8—10 процент, кўп миқдорда ўт босган жойларда эса 50 процентгача ҳосил йўқотилиши мумкин.

Ер ҳайдашдан олдин бегона ўт илдизларига қарши курашни тўғри йўлга қўйиш орқали уларни анча камайтириш мумкин. Бунинг учун шудгорлашдан олдин карталардаги бегона ўт илдизлари махсус ВКС-1,8 тирмалаш агрегати билан йиғиштириб олинади.

Йиғиштириб олинган бегона ўт илдизларини даладан ташқарига тўла олиб чиқиб, кейинчалик уларни батамом йўқотиш керак. Сўнгра ерни икки ярусли плуглар ёрдамида чуқур ҳайдаш лозим. Бунда тупроқ юзасида қолган илдиз қолдиқлари, ўт уруғлари пастки қатламга тушиб чирийди.

Кўп йиллик бегона ўтларга қарши курашда химиявий усулдан ҳам кенг фойдаланиш тавсия этилади. Бунда далапон гербициди яхши самара беради. Ҳар гектар ҳисобига 45—55 килограмм далапонни 400 литр сувга аралаштириб сепиш мақсадга мувофиқдир. Агар далаларни бутунлай ўт босган бўлса, химикат ер ҳайдалгандан сўнг, айрим-айрим жойларда кўпайган бўлса шу ерларнинг ўзига шудгордан 10—15 кун олдин сепилади.

Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Бухоро, Фарғона, Андижон, Наманган областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг шўр ювиладиган ерларида далапонни чигит экишдан бир ярим ой олдин, ерларни бороналаш пайтида гектар ҳисобига 25 килограмм миқдорда сепилади.

**Шудгорлашдан олдин ўғитлаш.** Шудгорлашдан олдин ерларни минерал ва маҳаллий ўғитлар билан ўғитлаш ер унумдорлигини кўтариб, пахтадан юқори ҳосил олишга ёрдам беради. Гўнгдан оқилона фойдаланилаётган кўплаб хўжаликларда ҳар гектар ердан 35—40 центнер ҳосил олинаётир. Гўнгнинг қимматли томони шундаки, унда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва мўл ҳосил тўплаши учун зарур бўлган турли моддалар мавжуд. Бундан ташқари органик ўғитлар тупроқнинг структураси ва физик хоссаларини яхшилайди. Шудгорлашдан олдин ҳар гектар ер ҳисобига 30—40 тоннадан гўнг чиқариш яхши самара беради. Бунда биринчи навбатда ўғит капитал текисланган майдонларга ҳамда бедапоя бузилиб, ўрнига 4—5 йилдан буён чигит экиб келинаётган майдонларга гўнг обороти планларига мувофиқ равишда солиниши мақсадга мувофиқдир. Гўнгни шудгорлашдан олдин солиш бошқа пайтлардагига қараганда кўпроқ самара беради.

Барча хўжаликларда керакли миқдорда ўғит жамғариш ва уни далаларга ташиб чиқаришни таъминлаш учун унумдорлик бригадалари ва звенолари ишини кучайтириш, уларни зарур миқдорда транспорт воситалари, юклагичлар ва гўнг сепиш агрегатлари билан таъминлаш даркор.

Пахтадан мўл ва юқори ҳосил етиштириш, толанинг технологик сифатларини оширишда минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Фосфорли ва калийли ўғитлар тупроқнинг чуқур қатламига тушганда яхши самара беради. Бунга минерал ўғитни ер ҳайдаш олдидан солиш орқали эришилади. Фосфорли ва калийли ўғитлар билан таъминланган майдонларда ғўза тез ўсиб яхши ривожланади. Кўплаб кўсак тугади, улар тез ва эрта очилади. Натижада биринчи сорт ҳосил салмоғи кўпаяди. Шу туфайли ҳайдаладиган ерларга фосфорли ўғитлар нормасининг 60—70 процентини шудгордан олдин солиш лозим. Фосфорли ва калийли ўғитлар нормаси тупроқдаги ҳаракатланувчи фосфор ва алмашинувчи калийнинг миқдорига қараб белгиланиши даркор.

**Ерларни шудгорлаш.** Республикамизда куз ва қиш ойларида ўтказиладиган агротехник тадбирлар ичида шудгорлашни ўз вақтида сифатли бажариш катта аҳамиятга эга. Ер кузда шудгорланганда тупроқ баҳорда чигит экиш учун тез етилади. Натижада дала ишларини ўз вақтида сифатли бажаришга имконият яратилади. Меҳнат ва энергетика ресурсларидан тежалади.

Кўп йиллик тадқиқотлар, илғор колхоз ва совхозлар тажрибасининг кўрсатишича, шудгорлаш кузда юқори сифат билан ўтказилса баҳорда ҳайдалган ерларга қараганда 10—12 процент кўп ҳосил олиш мумкин.

Ерларни октябрь, ноябрь ва декабрь ойининг биринчи ярмида шудгорлаш энг мақбул муддат ҳисобланади. Агар об-ҳаво ноқулай келиб ер кузда ҳайдалмай қолса, бу тадбирни январь ва февраль ойларида ўтказиш мумкин. СоюзНИХИда олиб борилган тажрибалар ерларни шу ойларда ҳайдаш ҳам баҳордагига қараганда кўпроқ самара беришини кўрсатди.

Ҳайдалган ерлардан нам қочишини камайтириш учун кучли шамол бўладиган, қор, ёмғир кам ёғадиган ҳамма зоналарда шудгорлашни плугларга борона тиркаб ўтказиш лозим. Фақат ҚҚАССР, Хоразм области ва кучли шамол бўладиган Фарғона областининг Қўқон группаси районларидаги енгил тупроқли жойларда шудгорлашни шўр ювишдан сўнг баҳорда бажариш тавсия этилади.

Шудгорлашни икки ярусли плуглар билан бажариш энг яхши самара беради. Ер икки ярусли плуглар билан ҳайдалганда шудгор қатлами тўла ағдарилади, ўғит, бегона ўтларнинг илдизи, уруғлари чуқурга тушади. Натижада далаларнинг ўт босиши 2—3 маротаба камаяди, ўсимликни озиқ моддалардан баҳраманд бўлиши, микробиологик жараёнлар яхшиланади, пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 2—3 центнер ортади.

Андижон, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё Самарқанд, Навоий ва бошқа областларнинг колхоз ва совхозларидаги шўрланмаган ерларда чигитни пуштага экиш технологияси кенг қўлланилмоқда. Чигит шу усулда экилганда у қисқа муддатда тўла униб чиқади. Ғўза яхши ўсади ва ривожланади. Кўп миқдорда кўсак тўплайди. Бу кўсаклар эрта очилади. Натижада пахтадан (чигитни одатдаги экишга қараганда) 4—6 центнер кўп ҳосил олишга эришилади. Пушта олишнинг энг мақбул муддати куздир. Бунинг учун ер ҳайдалгандан сўнг тупроқ қуриб қолмаслиги учун 2—3 кун ичида борона ёки мола ёрдамида текисланади ва кейинчалик баландлигини 25—28 сантиметр қилиб пушта олинади. Ёғингарчилик кам бўладиган районларда бу тадбирни эрта баҳорда экишга тайёргарлик чоғида, экишдан 10—15 кун олдин бажариш ва экишга 8—10 кун қолганда суғориш керак.

**Шўр ювиш ва қўшимча суғориш.** Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё областлари, Фарғона водийси ва Қорақалпоғистон автоном республикасида кўплаб шўрланган ерлар мавжуд. Бу жойларда ғўза вегетацияси даврининг охирига келиб, ўсимликнинг илдизи озиқланадиган жойда кўплаб миқдорда зарарли тузлар йиғилиб қолади. Бу тузлар чигитнинг униб чиқишини кескин камайтириб юборади ва ниҳолларнинг ўсиши ҳамда ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Натижада ҳосилдорлик пасайиб кетади.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишни таъминлаш учун бундай ерларда куз ва қиш ойларида шўр ювишни амалга ошириш даркор. Ер ости сувлари энг чуқур жойлашган даврда шўр ювилса, юқори самарадорликка эришилади.

Агар шўр ювиш баҳорда ўтказилса, унинг самараси пасайиб кетади. СоюзНИХИнинг Марказий тажриба мелиоратив станциясида (Мирзачўл) шўр ювиш ноябрда бажарилганда ҳар гектар ердан 37,3 центнердан, январда ўтказилганда 31,5 центнердан пахта ҳосили олинди. Фарғона тажриба станциясида шўр ювиш ноябрда ўтказилганда 31,2, февралда бажарилганда 25,8 центнер ҳосил олинди.

Шўр ювишнинг кузда ўтказиш афзалликлари аён бўлишига қарамай Сирдарё, Жиззах, Фарғона ва бошқа областларнинг қатор колхоз ва совхозларида бу тадбирни баҳорга қолдирмоқдалар.

Шўр ювиш нормаларини белгилаш учун Узгипрозем мутахассислари томонидан тузилган тупроқнинг шўрланиш даражаси бўйича карталардан фойдаланиш даркор. Улар Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё областларининг барча хўжаликлари, ҚҚАССР, Бухоро ва Сурхондарё областларининг айрим районларида мавжуд.

Шўр ювиш одатда чек олиб, сув бостириш йўли билан бажарилади. Майдонларнинг ҳажми тупроқнинг сув ўтказиш қобилияти, нишаблигига қараб 0,1—0,5 гектар атрофида бўлади.

Шўр ювишни муваффақиятли ўтказиш учун коллектор-зовур тармоқларини тўла шай ҳолга келтириш керак. Токи шўр сув далалардан ташқарига оқиб кетсин.

Кузги-қишки тадбирлар комплексининг ҳаммасини ўз вақтида сифатли адо этиш, чигит экишни мақбул муддатларда ўтказиш учун қулай имкониятлар яратади. Шу йўл билан ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратган бўламиз.

**Тавсиялар республика Давлат агросаноат комитети ва «Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари томонидан тайёрланган.**

## САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

АНДИЖОН, 9 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда сайловчиларнинг СССР Олий Совети депутати, СССР Физкультура ва спорт давлат комитетининг раиси М. В. Грамов билан учрашуви бўлиб ўтди.

М. В. Грамов мамлакат давлат ҳокимияти Олий органининг Москвада бўлиб ўтган сессияси иши тўғрисида, ўз депутатлик вазифаларини қандай бажараётганлиги ҳақида йиғилиш аҳлига гапириб берди. Сайловчилар ўз депутатига андижонликларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга, областда физкультура ва спортни янада ривожлантиришга тааллуқли бир қанча истаклар билан мурожаат этдилар.

## ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

САМАРҚАНД, 10 декабрь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Самарқанд область Советининг бугун бўлиб ўтган сессиясида областни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги плани ҳамда маҳаллий бюджети, шу йилги план қандай бажарилаётганлиги ва 1985 йилги маҳаллий бюджетнинг ижроси кўриб чиқилди.

Депутатлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорини рўёбга чиқариш борасида областдаги совет, хўжалик органларининг вазифаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Сессияда область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев нутқ сўзлади.

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА



**Афғон халқининг китобларга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Бу жуда қувончли ҳол. «Бейхаки» давлат китоб нашриёти мана бир неча йиллардирки, АДРда совет китобларини кенг тарқатишга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Афғон жамоатчилиги орасида совет маданияти, фани ва техникасига бўлган интилиш йилдан йилга ортмоқда. Рус, пушту ва дарий тилларида чоп этилаётган китоблар афғон ишчи-хизматчи ва ёшларининг маслаҳатгўйига айланиб қолган. Афғонистонда ҳар йили совет адабиёти намояндаларининг ўн минглаб китоблари харид қилинаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.**

**Суратда: Кобулдаги китоб савдоси.**

**БТА—ТАСС фотоси.**

## ЭРОН—ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД. Ироқ авиацияси душман территорияси ичкарисидаги иқтисодий ва ҳарбий объектларга зарба уришни давом эттирди. Ҳарбий бош қўмондонлик қирувчи-бомбардимончи самолётлар Арак ва Канжвардаги трансформатор подстанцияларига, Қалъат — Шохиндаги ҳарбий базага бомба ташланганлигини хабар қилди. Ҳамма самолётлар ўз базаларига қайтиб келдилар. Эрон кўрфазидан сал нарида «йирик денгиз нишони»га ҳужум қилинди.

Ироқ қўшинлари фронтнинг ҳамма участкаларида ҳарбий ҳаракатлар олиб бордилар. Ўнг қанотда душман позициялари тўп ва минометлардан ўққа тутилди. Басрадан шарқроқда пиёда аскарларнинг бир неча позициялари яксон этилди.

Эрон артиллерияси Басрани ўққа тутганлиги оқибатида тинч аҳоли орасидан 12 киши ҳалок бўлди, 39 киши яраланди.

НИКОСИЯ. ИРНА агентлигининг хабар беришича, Эроннинг олисга отадиган артиллерияси икки кундан бери Басра ва Ироқнинг жанубий районидаги бошқа шаҳарларнинг ҳарбий ва саноат объектларини ўққа тутмоқда. Алюминий ва нефть-химия заводларига, нефть омборига зиён етказилди, бир неча кўприклар шикастлантирилди. Фронтнинг марказий участкасида қаттиқ артиллерия отишмалари бўлиб турди.

(ТАСС).

## ПОКИСТОННИНГ ҲАРБИЙЛАШТИРИЛИШИ

ДЕҲЛИ. Вашингтон Исломободга тез орада юборадиган АВАКС системаси билан жиҳозланган самолётларни америкалик ҳарбий хизматчилар учирадилар. Ҳиндистон ПТИ ахборот агентлигининг Пентагон расмий вакили берган баёнотга таяниб Нью-Йоркдан хабар қилишича, АҚШда олиб борилаётган Америка — Покистон музокараларида шу ҳақда аҳдлашувга эришилган.

(ТАСС).

## ПУШТУНЛАР БОСМАЧИЛАРГА ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДАЛАР

КОБУЛ. Покистон шимоли-ғарбий чегара вилоятида пуштун қабилаларининг отрядлари билан Афғонистон аксилинқилобчиларининг тўдалари ўртасидаги қуролли тўқнашувлар тўхтамаётир. Бахтар агентлигининг хабарига кўра, Лакатижа аҳоли пунктининг яқинида қабилаларнинг жанговар отрядлари босмачиларга қарашли катта ўқ-дори омборига гранатомётлардан ўқ ёғдирганлар.

(ТАСС).

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ГАВАНА**

Гаванадаги «Нарсисо Лопес Росельо» автомат йиғув корхонаси Совет Иттифоқидан юборилган комплект деталлардан фойдаланиб, Кубанинг ўзида ясалган дастлабки КаМАЗ машиналарини тайёрлади.

◆ **НЬЮ-ЙОРК**

Қўшилмаган мамлакатларнинг мувофиқлаштирувчи бюроси Яқин Шарқ хусусида Халқаро тинчлик конференцияси чақирилиши учун тайёргарлик комитетини тезроқ тузишга даъват этди. БМТ қароргоҳида шошилинч чақирилган бюро мажлисида қабул қилинган ахборотда, БМТ хавфсизлик кенгаши бу ишда алоҳида масъулият кўрсатиши лозим, деб уқтирилади. Яқин Шарқ проблемасини адолатли, мустаҳкам ва ҳар томонлама бартараф этиш манфаатлари шундай конференция чақирилишини талаб этмоқда, Яқин Шарқ проблемасини шу тарзда ҳал этишнинг асосини эса Фаластин масаласи ташкил этади, дейилади ҳужжатда.

◆ **ЛОНДОН**

Буюк Британия Бош министри Маргарет Тэтчер Британия пойтахтига визит билан келган АҚШ мудофаа министри Каспар Уайнбергер билан музокаралар олиб борди. Пентагон бошлиғи ўзининг инглиз ҳамкасби Жорж Янгер ва Буюк Британия ташқи ишлар министри Жеффри Хау билан ҳам учрашди. Музокараларда Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларни, Рейкьявикдаги учрашувда Вашингтон тарихий битимларга келиш имкониятини барбод қилганидан кейин қурол-яроғлар устидан назорат проблемаларини муҳокама қилиш энг муҳим ўрин олди. Уайнбергер АҚШ маъмурияти «Стратегик мудофаа ташаббуси»ни амалга оширишни давом эттириш ниятида эканлигини таъкидлади.

◆ **ВАШИНГТОН**

1980 йилдан буён ўтган даврда Қўшма Штатларда ҳар йили ядро қуроллари ишлаб чиқариш қарийб икки баравар ошди. Ҳозир Америка ҳукумати корхоналари конвейерларидан ҳар йили 2000 га яқин ядро қуроли тушмоқда. Бу рақамлар АҚШда нашрга тайёрланаётган «Америка Қўшма Штатларида ядро каллаклари ишлаб чиқариш» китобида келтирилган.

(ТАСС).

